



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 16 ноябрь, шанба

№91 (11.479)

Эркин нархда сотилади

МУЛОҚОТ МАНЗИЛИ — МАҲАЛЛА

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда. «Огоҳликка даъват», «Тинчлик-хотиржамлик — ривожланиш кафолати» ва «Жинойтчиликнинг олдини олиш» мавзуларидаги тадбирлар аҳолининг турли қатламларида катта қизиқиш уйғотаяпти. Терроризм ва ақидапарастликка қарши кураш масалаларини ўрганишга оид бу учрашувларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари иштирокчиларни қизиқтираётган саволларга жавоб беришмоқда. Асосий эътибор ечимини кутаётган муаммоларга қаратилмоқда. Аҳоли билан бундай беvosита мулоқотлар «Фарҳод», «Олтинобод», «Мустақиллик» маҳаллаларида бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

БОЗОРНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юқори сифатли, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача:
 - истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;
 - болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини 7 фоизли ставка бўйича тўлайдилар. Болалар учун товар-

лар гуруҳига кирувчи товарларни аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 июлдаги 327-фсон фармойишига ва Статистика давлат департаменти томонидан тасдиқланган саноат маҳсулоти номенклатурасига 1997 йил 17 июлдаги 8-1/3-8-сон Тушунтиришга амал қилинсин;

микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;

ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб

(Давоми 2-бетда).

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ОШМОҚДА

Чирчиқдаги «Чирком» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси абонентлари сони 25 мингдан ошди.

Корхона ишчи-хизматчилари йил бошидан бери 900 миллион сўмлик атрофидаги ҳажмда хизмат кўрсатдилар. Жамоа юридик шахс мақомидаги 2600 та мижоз билан шартномалар тузиб ишламоқда. Алоқачилар жорий йилнинг саккиз ойида 255 миллион сўмлик соф фойда олдилар. Унинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан кўрилаётган тадбирларни амалга оширишга сарфланмоқда.

Ўз мухбиримиз.

18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 11 йил тўлади



Байроқ — давлатнинг тузумини, шу давлатда яшовчи халқнинг табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англашга ёрдам берувчи, миллий валюта, мадҳия каби энг муҳим тимсоллардан бири.

Байроқнинг ёши нечада? Унинг илк ихтирочиси ким?

Тарихий манбаларда айтилишича, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлиги ифодаси ҳисобланувчи бу рамзни яратиш гоёси илк бор минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида туғилган. Дастлабки байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ясалгани ва уларда турли жонзотлар тасвирини акс эттириш аъёнага айлангани ҳам шундан далолат беради.

Даставвал байроқ аждодларимизга жанг ёхуд сафарлар чоғида ўз йўлбошчиларини кўз-кўз этиш ва уни ўзлари ҳам кўриб туришлари, шунингдек, дўст-душманни олисдан таниб олишлари учун ниҳоятда зарур бўлган.

Демак, байроқ давлатнинг рамзий белгиларидан бири си-

фатида шаклланишнинг узок тарихий йўлини босиб ўтди.

Мамлакатимизда бугун ўн бир йиллиги нишонланаётган ўз давлатимиз байроғи тарихига тўхталадиган бўлсак, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг фидокорона саъй-ҳаракатларини эҳтиром билан тилга олмоқ керак. Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифок, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган қалтис бир пайтда — 1990 йил март ойидаёқ давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинганди.

Орадан кўп ўтмай — ўша йили 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва байроқ, герб, мадҳия каби давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилди.


Истиқлол бу борадаги изчил изланишларга янги куч ва илҳом бағишлади. Ва ниҳоят, 1991 йил 18 ноябрь куни Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида

(Давоми 2-бетда).

Обуна — 2003

ЖАМОАНИНГ СЕВИМЛИ НАШРИ

Бурчмулло ўрмон хўжалигининг 120 ходими 2003 йил давомида «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам ўқиб боради



Абдукарим АБДУЖАЛИЛОВ, Уғом-Чотқол Давлат миллий боғ бошқармасининг бош директори:

— Мустақиллик йилларида ўзбек миллий матбуотининг мазмун ва мундарижаси ўзгариб бораёпти. Вақтли нашрлар Бўстонликнинг ноёб ўсимлиги ва ҳайвонот дунёсини,

хушхаво табиатининг мунавварлигини сақлаб қолиш ва келajak авлодларга етказиш билан боғлиқ муаммоларни тобора дадил кўтариб чиқаётганлигидан мамнунмиз. Жамоамиз бундай чиқишларни ҳамisha қўллаб-қувватлайди.

Шу сабабли ҳам ходимларимиз ҳар йили кўплаб газета-журналларга обуна бўлишади. Кейинги пайтда бу ишни ташкилий уюштиришнинг янги-янги омилларини излаяпмиз. Чунончи, ўтган йили пул ўтказиш йўли билан бир миллион икки юз минг сўмлик газета-журналга обуна ташкил этдик. Бу маблағнинг 553 минг сўмдан кўпроқ қисмини вилоятимизнинг «Тошкент ҳақиқати» газетасига 111 ходимимизни обуна қилишга сарфладик. Улар ҳар жиҳатдан қизиқарли бўлиб бораётган газетамизни йил бўйи

ўқиб келишапти.

Шу кунларда 2003 йил учун обуна давом этаёпти. Бурчмулло ўрмончилик хўжалигимизда маслаҳатлашиб, 120 ишловчи номига «Тошкент ҳақиқати» газетаси обунасини ташкил этишга қарор қилдик. Жумладан, кўп йил жамоада ҳалол ишлаб келган Маҳкам Абдуллаев, Ортиғали Тўлаганов, Мирзаёқуб Шораҳмедов каби ўнлаб меҳнат фахрийлари, пенсионерлар ҳам келгуси йил давомида ўз сеvimли газеталарини муттасил олиб туришди. Ўйлайманки, мустақил мамлакатимиз ва вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, иш-хотларнинг бориши, дунё янгиликлари билан мунтазам танишиш жамоамиз аъзоларининг маънавий-сиёсий баркамолликларига хизмат қилади.

«ТОШКЕНТ-ҲАҚИҚАТИ»

ҳамиша **СИЗ** билан!

Sevimli газетангиз бундан буюн ҳам доимий, шонли ҳамроҳингиз бўлиб қолгани учун унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг.

Бизнинг индекс — 205.

Доимо бирга бўлайлик, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

БОЗОРНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ РАҚБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

чиқариш физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинади;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмларидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтиришга ва рақобатбардошлигини оширишга мақсадли йўналтирилган тақдирда, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинади;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобдан чиқариш миқдорларини асосий воститалар хизматининг фойдали муддатидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилди. Бунда солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ошмаслиги керак;

корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмида чиқариб ташланади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга иктисослашаётган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қиладиган) корхоналар 2003-2005 йилларда:

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорти бўйича божхонада расмийлаштиришдан кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда улуш қўшиш асосида (толлинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган хом ашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно;

ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича,

(Давоми. Боши 1-бетда).

лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар;

мулк солиғини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кредитлар ҳисобига, кредитни қоплаш муддатида, лекин 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда сотиб олинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилган солиққа тортиладиган базадан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар;

валюта тушумини истеъмол товарларини экспорт қилишдан олинган, ўз ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун импорт қилинган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматига камайтирилган миқдорда мажбурий равишда сотадилар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмида бюджетга ўтказилади.

4. Истеъмол товарларининг йирик ишлаб чиқарувчиларига:

ўз маҳсулотларини расмий дистрибуторлар орқали улгуржи сотиш тизимини яратиш; республика минтақаларида, шу жумладан буюм бозорларида фирма улгуржи-чакана савдо дўконлари шохобчаларини ривожлантириш тавсия қилинсин.

5. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи бўлмаган корхоналарга ишлаб чиқараётган товарларини ўз расмий дистрибуторларига ва улгуржи савдо корхоналарига 90 кундан ортиқ бўлмаган муддат билан консигнация шартномалари бўйича, шунингдек воситачилик шартномалари ва топшириқномалар бўйича сотишга рухсат берилсин.

6. Тижорат банклари халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 13 ноябрь.

ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ДОВРУФИ ЮКСАЛМОҚДА



Ўзбекистон – пахта етиштиришда кўп асрлик тажрибага эга мамлакат. Бугун у жаҳон пахта бозорини етакчи давлатлар қаторидан мустақиман ўрин эгаллаган.

Серкўёш заминимизда етиштирилган тола пишиқ ва сифатли бўлгани боис дунё мамлакатларининг унга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мазкур қимматбаҳо хом ашёни етиштириш бўйича дунёда бешинчи, тола экспорти бўйича эса иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда ҳар йили 1-1,2 миллион тонна пахта тола сифати етиштирилиб, 70-75 фоизи хорижга сотилади.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида "Пахта - иктисодий ўсиш манбаи, Ўзбекистон-2002" мавзусида ташкил этилган халқаро анжуманда шу ҳақда гап борди. Тадбир мамлакатимиз ҳукумати билан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ПХМК), Ливерпуль Пахта уюшмаси (ЛПУ) ва "Cotton Outlook" журнали ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз соҳа мутахассислари ва бир қанча халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар вакиллари иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, Тошкент анжумани олдидан "Cotton Outlook" журналининг махсус сони нашр этилиб, унда жаҳон пахтачилигининг ҳозирги аҳво-

ли, жумладан, Ўзбекистоннинг пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Уч кунлик анжуман гуруҳларга бўлинган ҳолда иш олиб боради. Биринчи гуруҳда жаҳон пахта бозорининг бугунги аҳволи ва тўқимачилик истиқболлари, Ўзбекистон пахтачилигининг истиқболи, ички ва ташқи бозор учун юқори сифатли, рақобатбардошли тола тайёрлаш, мамлакат пахтачилиги ва тўқимачилик саноатини хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ масалалар атрафлича муҳокама этилади. Иккинчи гуруҳда жаҳон тўқимачилик саноати ҳамда мамлакатимиз пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришда хориж инвестициясининг ўрнига оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза юритилади.

Учинчи гуруҳда эса мамлакатимизда пахта толасини стандартлаштириш ва сертификатлашнинг замонавий тизими, Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжонда пахта етиштириш ҳамда тўқимачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари таҳлил этилади.

(ЎЗА).

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ



Сил – ўта хавfli касаллик. Афсуски, кейинги вақтларда дунёда бу хасталик оқибатида вафот этаётганлар сони ортмоқда. Мамлакатимизда ушбу касалликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва назорат қилиш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Биринчи навбатда чақалоқларни уч кунлигдаёқ силга қарши эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Пойтахтимизда сил касаллигининг олдини олиш ва назорат қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилаётган халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида ана шу ҳақда гап борди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги ва бир неча халқаро лойиҳалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш

тизими вакиллари, илмий мусассасалар ходимлари ва хорижий мутахассислар иштирок этмоқда.

Ушбу анжуман мобайнида сил касаллигининг глобал миқёсдаги муаммолари, хусусан, унинг Европа ва Марказий Осиёда айна пайтдаги ҳолати, мазкур хасталикка қарши кураш миллий дастурларини ҳаётга таъбиқ этиш, бу борадаги муаммоларни молиявий қўллаб-қувватлашга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎЗА).

Фикр олишув авжига чиқди. Аслида вазият шунинг қадар зарарли. Унда асосан бугунги кунда ёшларнинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбияланиши омили ҳақида гап борарди.

— Мамлакатимиз тинчлик ва осойишталигини сақлаш, ёвуз кучларнинг ўз мақсадларига эришолмасликлари учун аввало ҳаммамиз доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим, — дейди «Маънавият ва маърифат» Республика марказининг Бўстонлик туман бўлими раҳбари Маҳкам Фаттохов. — Бунда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, оммавий-ватанпарварлик ишларига кўпроқ жалб этиш, уларни ҳар турли экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолишдан асраш, спортнинг ҳарбий техник ва амалий турларига жалб этиш орқали Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда Маънавият ва маърифат, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бағишлаб «Ватанпарвар» ташкилоти

ЁШЛАРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

нинг туман кенгаши билан ҳамкорликда бадий кечалар, давра суҳбатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий қисмлардаги зобитлар билан учрашувлар ташкил қилмоқдамиз.

— Бизда ҳаво милитидадан ўқ отиш, ёзги биатлон, тезкор радиотелеграфли алоқа тўғрақлари ишлаб турибди, — суҳбатга қўшилди кечагина мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши раислиги-

га сайланган Курбонали Миралиев. — Ёшларимиз «Алпомиш» ва «Барчано» тўғрақларида ҳам чиниқмоқдалар. Бу ишларни янада жонлантириш учун халқ таълими, мудофаа ишлари

бўлими, спорт кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликни тобора кучайтираёғимиз. Бўстонликда спортнинг мерганлик тури фоят оммалашиб бораётти. Шу йилнинг ўзида 15 дан ортиқ мусобақа ўтказилиб, 17 нафар иккинчи, 45 нафар учинчи разрядли спортчи тайёрланди. Спортчилардан Нария Исмоилова, Эржан Турдибеков, Ай-

«Ватанпарвар» — ҳаракатда

герим Умирзоқовлар вилоят миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқдалар. 2-ўрта мактабнинг бошланғич ҳар-



бўлган туманимизда ўтади-ю, ўзимизда турли тўғрақлар очиб, ёшларимизни жалб қилиб, шундай мусобақалар ташкил этмаймиз? Бизда денгиз, тоғлар ва бошқа барча қулайликлар бор. Лекин, буларни йўлга қўйиш учун қайиқлар, делтопланлар йўқ. Мактаблар, боғчалар билан ҳамкорликдаги ишлар кўламини кенгайтириш «Ватанпарвар»нинг мавқеини яна ҳам кўтаради.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ИҚБОЛИДЕК ЁРҚИН, ҒУРУРИДЕК САРБАЛАНД

мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистоннинг давлат байроғи тасдиқланди.

Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон ва обихаёт рамзидир. Мовий ранг — Шарқда алоҳида ардоққа эга. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, дошизмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, бобокалонимиз Амир Темура ҳазратлари давлати байроғи ҳам мовий рангга эди.

Оқ ранг — тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва поклик, коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Бу — беғуборлик, софлик, орзу ва ҳаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилиш, демакдир.

Қизил чизиқлар — вужудимизда жўшиб оқаятган ҳаётнинг қудрат ирмоқлари. Шу билан бирга, мавжуд бирлик ва бузилмас дўстликка ҳамда истиқлолга эришиш учун юртимиз фарзандлари қон тўққанлигига ишора ҳамдир.

Яшил ранг — табиатнинг янгиликни рамзи. У навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Халқ идрокида байроқнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг доим мовий осмонини, байроқ ўртаси халқимизнинг оқ йўлини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз далаларимиз ва

табиатимизни ифода этади.

Яримой тасвири тарихий аънаналаримиз билан боғлиқ. Давлатимиз байроғидаги 12 юлдуз тасвири тарихий аънаналаримиз, қадимги куёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бу юлдузлар тасвири халқимиз маданияти қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Бошқача айтганда, давлатимиз байроғи — юртимиз ўтмиши, бугуни ва келажакнинг ёрқин тимсолидир. Унда халқимизнинг тийнати, орзу-ўйи, маслақ-мақсадлари мужассам.

Бу буюк тимсол бугунги кунда мамлакатимиз Президентининг саройида, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идораларида, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган хорижий мамлакатларда, БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар қароргоҳида мағрур ҳилпираб турибди.

Бу тимсол ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун она Ватан каби азиз ва муқаддас. Зотан, юрт байроғида юрагимиз, меҳр-муҳаббатимиз, гурур ва ифтихоримиз ҳамда Ватанга, халққа, Президентимизга, ёруғ истиқболимизга қомил ишончимиз ва садоқатимиз шоён акс этиб турибди.

Фулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Қибрай туман ҳокимлигида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳамда Саломатлик институти вилоят филиали ташкил этган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур тадбирнинг асосий мавзуси бўлди. Унда ёшларнинг репродуктив соғлиқ масалалари бўйича билимлари ва тиббий маданиятини ошириш, ОИТС вирусининг тарқалишига қарши курашни кучайтириш, қариндошлар орасидаги никоҳларнинг олдини олиш, камқонлик касаллигига дучор


бўлган ҳомиладор аёлларга тегишли ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилишга, айниқса, кенгроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Иштирокчилар Саломатлик институти Ташкилий-услубий бўлими бошлиғи Н. Акрамова, Ибн Сино халқаро жамғармаси директорининг ўринбосари З. Ботирова, Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали директори М. Эргашова ва бошқа нотикларнинг мавзуга оид маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

СОЛИҚЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўртачирчиқ тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан «Тадбиркор ва давр» мавзусида учрашув бўлди.

Унда давлат солиқ қўмитаси ходимлари ва туман тадбиркорлари жонли мулоқот ўтказишди. Бозорларда савдо ишларини қонуний асосда ташкил этиш, четдан товар олиб киришнинг ҳуқуқий йўл-йўриқлари, маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар эътибор бериши лозим бўлган жиҳатлар ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.



Вилоят ҳокимининг Фармойишига биноан кечадан бошлаб, шаҳар ва туманларимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» бошланди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ва 15 декабрда қадар давом этадиган мазкур ойлик давомида талай чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланапти. Мулкчилик шаклидан

қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иншоотларини ҳамда уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, вилоятнинг тоифаланган ва ўта муҳим иншоотларида ёнғин хавф-

сизлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш шулар жумласидандир.

Фармойишга биноан мазкур тадбир давомида вилоят ҳокимлиги, шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсата-

даланиш самарадорлиги анча юқори эканлиги эндиликда яққол кўзга ташланиб қолди.

Албатта, фермер хўжалиқларига ер ажратишда уларнинг бизнес-режалари ўрганиб чиқилмоқда, деҳқончиликдаги тажрибаси, мустақил ишлашга лаёқати, хўжалиқдаги иш муддатига эътибор берилмоқда.

Айни дамда янги фермер хўжалиқларига ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Хусусан, уларга кузги-қишки агротехник тадбирларни сифатли ўтказишда шартнома асосида техника, уруғлик ва ўғит етказиб берилмоқда.

Н. Душаев,
ЎЗА муҳбири.

Фермерлар кўпаймоқда

Оҳангарон туманининг Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги яна 145 гектар суғориладиган майдонни фермерлар ихтиёрига топширди.

Янги ташкил этилган 11 фермер хўжалигига 111 гектар ер берилди, 4 фермерга эса 34 гектар қўшимча экинзор ажратилди. Шу билан хўжалик ҳудудидаги фермерлар 104 нафарга, улар ихтиёридаги суғориладиган ер майдони эса 884 гектарга етди. Ширкат хўжалиги тасарруфида 997 гектар суғориладиган ер майдони қолди.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, — дейди хўжалик бошқарув раиси Соғлом Балашов. — Президентимизнинг, мамлакатимиз аграр сиёсатининг талаби ҳам шу. Фермер бўламан, мустақил ишлайман, деб мурожаат қилган хўжалик аъзоларининг аризасини ижобий ҳал этаёلمиз. Негаки, фермер хўжалиқлари ўзини оқлаётгани, уларда ердан фой-

ЕР ҲАЙДАСАНГ... ЧУҚУР ҲАЙДА

Келаси йил ҳосилига замин яратиш ерларни илҳом борица эрта, чуқур ва сифатли шудгорлашдан бошланади.

Ҳозир айни шундай пайт. Ҳосилдан бўшаган майдонлар зудлик билан гўзапоядан тозалаб, пешма-пеш ҳайдаб қўйилса, ер қиш бўйи ҳаво, ёмғир ва қор сувиға тўйиниб, куч тўплайди. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган иборанинг мазмуни шунда.

Бироқ, кузги шудгорнинг яна бир муҳим шарт борки, унга ҳам оғишмай амал қилмоқ зарур. Бу — ер бағрини имкон қадар чуқурроқ юмшатиш. Бунинг яхши тушунган Қўйи-чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалиги раҳбар ва мутахассислари айни кунларда кузги шудгор жараёнида янги усулни синовдан ўтказмоқдалар.

Чунончи, хўжалик мутахассисларининг фикрига қараганда, кўп йиллардан бери ерлар муттасил саёз, яъни 30-35 сантиметр чуқурликда ҳайдалавергани оқибатида тупроқнинг ундан пастки қатлами анча қотиб кетган. Шу боис, гўзанинг ўқилдизи ана шу қатламга етиб боргач, у ёнғига яхши ривожланмаяпти. Бу эса ҳосилдорликка тўғаноқ бўлаётган сабаблардан биридир. Демак, пахта етиштирилаётган майдонларни кузда чуқур ҳайдашнинг илҳомини топиш керак.

Бу муаммони ҳал қилиш учун мутахассислар «Чирчиққишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган тупроқни чуқур юмшатувчи ГРП-3/5 махсус механизмдан фойдаланишни синаб кўришга қарор қилдилар. Кузги шудгор олдида ер ана шу механизм ёрдамида 55-60 сантиметр чуқурликда юмшатиб чиқилади ва кетидан ҳайдов тракторлари билан 35-40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади.



Ушбу янгиликнинг синовдан муваффақиятли ўтиб, яхши самара бериши кутилмоқда. Шу боис хўжаликнинг ҳайдаладиган 3173 гектар майдонидан 1500 гектарини шу усулда ҳайдаш режалаштирилган. ГРП-3/5 ҳайдовчиси Аҳад

Охунов кунига 15-16 гектар ерни юмшатиб бермоқда ва кетма-кет ҳайдов тракторлари ишга солинмоқда. Бугунги кунгача 350 гектарга яқин майдон янги усулда шудгорланди.

Янгиликни бошқа хўжалиқларда ҳам тажрибадан ўтказиш мақсадида туманга «Чирчиққишлоқмаш» корхонасидан яна 12 та ГРП-3/5 агрегатини олиб келиш мўлжалланапти.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМАД
(суратлар).

СУРАТЛАРДА: бош муҳандис Ҳамидулла Хусанов (ўнгда) тракторчи Виктор Соловёв ҳайдаган ерда шудгорнинг чуқурлигини текширмоқда; ҳайдов пайти.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

ди. Улар ҳар ўн кунда режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилишини кўриб боради ҳамда тегишли хизмат, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди. Тадбирга ёнғин хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар жалб этилган.

DUSHANBA

18

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Бахмал». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45, 17.55 ТВ - маркет.

8.50 «Ўзбек телефильм» намоиши: «Ўзбекистон темир йўллари».

9.10 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

9.45 «Тўртинчи ҳокимият».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Одам амфибия». Бадий фильм.

11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.

12.05 «Сихат-саломатлик».

«Болалар сайёраси»:

12.25 1. «Санъат гунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

13.25 «Ошин». Телесериал.

13.55, 16.10 ТВ анонс.

14.10 «Сиебсат оламида».

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

16.15 «Тановар» ансамбли ижросида «Улуғбек буржи» рақс спектакли.

16.55 «Рамазон тухфаси».

17.15 «Қалб гавҳари».

17.35 «КиноТеатр».

18.10 Эстрада тароналари.

18.30 «Мулк».

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.15 Бир жуфт кўшиқ.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк

хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.

21.30 «Стандарт ва сифат».

21.45 «Рамазон тухфаси».

22.05 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».

22.25 «Олам футбол».

22.45 «Темур фори». Видеофильм. 5-қисм.

23.05 «Ахборот-дайжест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.

10.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеўйини.

10.35 Футбол плюс.

10.55 ТВ-анонс.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 Муסיқий лаҳзалар.

11.40 «Кондорлар».

Хужжатли фильм.

12.30 Давр-news.

12.45 Болалар экрани: «Финист-сарлочин».

14.00 Олов билан юзма-юз.

14.15 Кўҳна оҳанглар.

14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

15.15 Спорт ҳафтанома-си.

15.30 «Ҳаёт учун хавфли». Бадий фильм.

16.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик танлови: Фарғона вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Янги авлод» почтаси.

17.50 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал премьераси. 1-қисм.

18.00 ТВ-анонс.

18.05 Кўли гул уста.

18.25 Тафаккур ёлқинлари.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Кўҳна оҳанглар.

19.45 Ёшлар овози.

20.05 Кишлоқдаги тенгдошим.

20.25 Мухаббат кўшиқлари.

20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Жараён.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Мухаббат қахваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:

23.55 Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал: «23.5 даражали бурчак».

остида». 15-қисм.

17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар».

19.25 «Avto-news».

19.40. «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Ўз уйингни, ўзинг асра ва ҳимоя қил».

22.45 Кинонигоҳ «Бахтли ҳодиса».

00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроныйос» янгликлари.

18.20 «Хазил кетидан ҳазил».

19.00 «Серкирра Рязанов». Э. Рязановнинг юбилей концерти.

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги. Бадий фильм.

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профлактка ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.

17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Аҳмоқ бўлма». 19.30 «Ошиқона» муסיқий дастури. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кичик Токиодаги тортишув». 23.15 «30-канал»да спорт.

SESHANBA

19

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Умид қалдирғочлари». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Соз сеҳри».

9.20 «Соғлом она - соғлом бола».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Мулк».

10.20 «Ғаройиб бола». Бадий фильм.

11.45 Муסיқий танаффус.

12.05 Болалар учун. «Фламинго».

12.25 ТВ анонс.

12.30 «Париси бор уй».

12.50 ТВ клип.

13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

14.10 «Куйла, ёшлигим».

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

15.20 «Интерклуб».

15.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

16.55 «Рамазон тухфаси».

17.15 «Талабалик йилларим».

17.35 Юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир.

18.10 «Баркамол авлод орзуси».

18.30 «Қалқон».

18.45 Ўзбекистон халқ артисти. А. Исмоилов.

19.10 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз».

21.20 Бир жуфт кўшиқ.

21.30 «Қисмат». Видео-

фильм.

21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.15 «Дунёқараш».

22.35 «Темур фори». Видеофильм. 6-қисм.

22.55 «Ахборот-дайжест».

23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

17.30 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 2-қисм.

17.40 ТВ-анонс.

17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

18.00 Минг бир маслаҳат.

18.20 Автопатруль.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Кўҳна оҳанглар.

19.50 «Давр»-интервью.

20.05 Марди-майдон.

20.25 Ёшлик наволари.

20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.

21.30 Ёшлар овози.

13.25 Интерфутбол.

15.05 Кўҳна оҳанглар.

15.15 Мозийдан келажакка.

15.35 «Ямбуй ажинаси». Бадий фильм.

17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

17.30 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 2-қисм.

17.40 ТВ-анонс.

17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

18.00 Минг бир маслаҳат.

18.20 Автопатруль.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Кўҳна оҳанглар.

19.50 «Давр»-интервью.

20.05 Марди-майдон.

20.25 Ёшлик наволари.

20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Мухаббат қахваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.

23.35 Давр.

23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 16-қисм.

17.45, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани. «Баланд тепалик».

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Ҳимоя».

19.35 «Мумтоз наволар».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Туризм ҳақида».

22.45 Кинонигоҳ.

«Умрбод сеникиман».

00.45-00.50 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроныйос» янгликлари.

18.20 Е. Петросянининг «Кулгу панорамаси».

19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.

19.55 «Сўнгги қахрамон-2».

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Кулгу хонаси».

21.55 «ТВ-4да Немис тўлкини».

22.15 «Номзълум сайёра». В. Леонтьев иштирокидаги концерт дастури.

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Аёл нигоҳи». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Суюкли бўлиш». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Сан-Тропелик жандарм». 19.30 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Истакларни қондирувчи: Ёвузлик абадий». 23.15 Рестлинг титанлари.

CHORSHANBA

20

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Сеҳри камон». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Симфония муסיқа дунёси».

9.20 «Дунёқараш».

9.40 «Кишлоқ ҳақида уйлари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Биринчи қалдирғоч». Бадий фильм.

11.35 «Тафсилот».

11.50 Муסיқий танаффус.

12.05 «Бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.

12.55, 14.40 ТВ анонс.

13.00 «Остонаси

тиллодан».

13.20, 15.05 ТВ клип.

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 Юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир.

14.45 «Баркамол авлод орзуси».

15.15 «Таянч нуқтаси».

15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Пахтакор».

16.25 «Ягона оилада».

16.55 «Рамазон тухфаси».

«Болалар сайёраси»:

17.15 1. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз». 2. «Мактублар-кабутарлар».

18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.

18.30 «Умид». Телелотерея.

19.00 Бир жуфт кўшиқ.

19.10 «Мулк».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 Мақом кечаси.

21.30 «Қисмат». Видеофильм.

21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.15 «Рамазон тухфаси».

22.35 «Тарих кўзгуси». 7-қисм.

22.55 Спорт, спорт, спорт».

23.10 «Ахборот - дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 2-қисм.

9.45 «Давр»-интервью.

10.00 Муסיқий лаҳзалар.

10.10 ТВ-анонс.

10.15 «Эсмеральда». Телесериал.

10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

11.50 Ёшлар овози.

12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.

12.50 «Чекиш-соғлиққа зарар». Телефильм.

13.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

13.50 Саломат бўлинг.

14.10 Кўҳна оҳанглар.

14.20 Автопатруль.

14.40 «Хамиша навқирон қалблар». Муסיқий фильм.

16.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик танлови: Хоразм вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 Уйна, болажон, уйна.

17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

17.25 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 3-қисм.

17.35 ТВ-анонс.

17.40 Болажон.

17.55 Ёш тадбиркор.

сабоқлар.

11.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

11.50 Ёшлар овози.

12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.

12.50 «Чекиш-соғлиққа зарар». Телефильм.

13.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

13.50 Саломат бўлинг.

14.10 Кўҳна оҳанглар.

14.20 Автопатруль.

14.40 «Хамиша навқирон қалблар». Муסיқий фильм.

16.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик танлови: Хоразм вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 Уйна, болажон, уйна.

17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

17.25 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 3-қисм.

17.35 ТВ-анонс.

17.40 Болажон.

17.55 Ёш тадбиркор.

18.10 Чемпион сирлари.

18.30 Каталог.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Кўҳна оҳанглар.

19.45 Очил дастурхон.

20.00 Спортлото.

20.10 Ракурс.

20.30 Куз оҳанглари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Мухаббат қахваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:

23.55 Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 17-қисм.

17.45, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани «Жасур Пак».

18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Муסיқий меҳмонхона».

19.35 «Аёл қалби».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.

23.05 Кинонигоҳ. «Мухаббат мактуби».

00.45-00.50 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроныйос» янгликлари.

18.20 «Ажойиб инсонларнинг ҳаёти: М. Ульянов».

19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.

20.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Нигоҳ».

22.05 Кинематограф.

«Кичик автомобилнинг катта саргузаштлари». Бадий фильм.

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Саломатлик тилайман!». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 15.00 «30-канал»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Жандарм Нью-Йоркда». 19.30 «Ошиқона» Муסיқий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Нострадамус». 23.15 Спорт дастури.

PAYSHANBA

21

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Пирим ороли». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбек телефильм» намоиши: «Мусаввир».

«Болалар сайёраси»:

9.15 1. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз». 2. «Мактублар - кабутарлар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Мулк».

10.20 «Олмазор». Бадий фильм.

11.35 «Фанимиз истиқболлари».

11.55 ТВ анонс.

12.05 «Оқ қарқара». Мультфильм.

12.20 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.

12.40 ТВ-клип.

12.50 «Спорт, спорт, спорт».

13.05 «Мақом кечаси».

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрсатув.

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

15.20 «Тоҳият».

15.40 «Тарих кўзгуси». 7-қисм.

«Болалар сайёраси»:

16.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман».

2. «Болалар ва катталар».

16.55 «Рамазон тухфаси».

17.15 «Яхшилар ёди».

17.35 «Оқ йўл!» Муסיқий дастур.

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

18.30 «Яхши ният». Телелотерея.

19.05 «Ҳаёт қомуси». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Соғлом она - соғлом бола».

21.25 Бир жуфт кўшиқ.

21.35 Телемулоқот: Атроф-муҳит м

Қарор ва ижро

**Китобхон
оилалар
танлови**



Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Энг яхши китобхон оила" танловини эълон қилди.

Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловдан мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиёти ҳамда бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий асарларнинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб этишдан иборат.

Республика босқичи голиблари учун биринчи ўринга битта – энг кам ойлик маошнинг ўн баравари миқдоридан, иккинчи ўринга иккита – энг кам ойлик маошнинг етти бараварига тенг, учинчи ўринга учта – энг кам ойлик маошнинг беш бараваридан иборат мукофот белгиланган.

Танлов 2003 йил кириши арафасида якунланади.

**Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎЗА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққанига бир йилдан ошди. Хўш, унинг талаблари қандай бажарилмоқда? Ўтган муддат мобайнида қарор ижросини таъминлаш борасида қандай тадбирлар белгиланди ва амалий ишлар қилинди? Бу борада ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорининг ижросини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ вилоят ҳокимлиги қoшида ташкил этилган махсус комиссия гастрол-концерт, грампластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дисклар ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятларини гоявий-бадий жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Комиссиянинг ҳар ойда ўтказилаётган йиғилишларида бу борада бевосита шаҳар, ва туманларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинмоқда. Бу жараёнда ҳокимликлар ва мутасадди идораларнинг фаолиятига муносиб баҳо берилмоқда.

Бу ўзининг самарасини бера бошлади. Ҳозиргача тўй-ҳашамларда, юбилей тадбирларида, дискотекаларда фаолият кўрсатаётган 89 нафар санъаткорларга лицензия берилди. Шунингдек, аудио, видео кассеталар сотиш бўйича Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Чиноз, Покент, Паркент, Урта-чирчиқ ва Янгийўл туманларида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар махсус рўйхатдан ўтдилар.

Вилоят комиссиясининг шу йил 5 ноябрь куни бўлиб ўтган

нида ўтказилган 18та рейд текширувлари натижасида 9 ҳолатда қонунбузарлик содир этган шахслар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Умумий қиймати 814,7 минг сўмлик 916 дона аудио кассета, 2787,4 минг сўмлик 1422 дона видео кассета, 160,6 минг сўмлик 67та лазер дисклари олиб кўйилиб, ҳуққбузарлик содир этган жисмоний шахсларга нисба-

ижросини таъминлаш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳокимликлар ва уларнинг маданият бўлимлари қoшида рухсатномалар ва лицензиялар бериш билан шуғулланувчи комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, бу ишга масъул бўлган ҳокимлик вакилини тайинлаш масалаларига ўта масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётганлигини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда ҳуқуқат қарорига мувофиқ тайинланиши зарур бўлган ҳокимлик вакиллари факатгина Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Янгийўл, Паркент, Покент ва Юқоричирчиқ туманларида эмас, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам иш олиб бораётган, комиссиялар фаолият кўрсатаётган бўлур эди.

Масаланинг яна бир жиҳати га алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Юқоридаги қарор ва у асосида ўтказилаётган тадбирлардан мақсад нафақат соҳадаги ишларни қонуний тартибга солиш, балки, хориждан айланма йўллар орқали қонунга хилоф равишда келаётган аудио-видео кассеталар, маънавиятимизга зарар келтирувчи дискларнинг тарқалишининг олдини олишга қаратилгандир.

Шундай экан, бу муҳим масалага масъулият билан ёндошиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир. Ўилаймизки, юқоридаги шаҳар ва туман ҳокимликлари эндиликда масалага жиддий ёндошиб, ўз худудларида гастрол-концертлар уюштириш, грампластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дискларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини қатъий назорат остига оладилар ва бу ишларни тартибга солиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрадилар.

Тахририят бу мавзуга яна қайтади.

**РУХСАТНОМА
ОЛИШИНГИЗ
ШАРТ**

мажлисида Оҳангарон шаҳри, Паркент, Янгийўл, Оққўрғон туманлари маданият бўлимлари га ҳам тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, грампластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дисклар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш тавсия этилди.

Бундан ташқари қарор ижросини таъминлаш мақсадида бевосита шаҳар ва туманларда семинар-йиғилишлари, кенг кўламадаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, вилоят комиссияси йиғилишида таъкидланганидек, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, айрим шаҳар ва туманларда юқоридаги қарорнинг ижросини таъминлашга ҳамон суст эътибор берилмоқда. Натижада ноконуний равишда грампластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятлари билан шуғулланаётган шахслар учраб турибди. 2001 йил мобай-

тан солиқ идоралари томонидан жарималар солинди. Бундай тадбирлар 2002 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Ҳозиргача ўндан ортиқ рейд текширувлари ташкил этилди. Қонунбузарлик содир этган беш фуқародан жами 1713,3 минг сўмлик аудио кассеталар олиб кўйилди. Хусусан, Олмалиқ шаҳар марказий деҳқон бозори худудида ҳеч қандай ҳужжатсиз, бошқа шахс номига берилган рухсатнома орқали савдо қилаётган, Покент туманида яшовчи Б. Абдуазимов, Олмалиқ шаҳрида яшовчи Р. Сатташев, Чиноз туманида яшовчи О. Катковалардан жами 1332 дона тегишли рухсати бўлмаган аудио кассеталар олиб кўйилди.

Юқоридаги ҳолатлар яна бир бор жойларда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда шу асосда қабул қилинган вилоят ҳокими қарорининг

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

**«САХОВАТ»НИНГ
САХОВАТИ**

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Қуйичирчиқ тумани марказида боқувчиси йўқ, ёрдамга муҳтож кексаларга мурувват кўрсатувчи «Саховат» жамоа марказининг ишлари тобора ривожланиб бормоқда.



Туман қариялари бу ерда 15 кун давомида тўла тиббий текширувдан ўтадилар. Улар дардларига даво топиб, хордиқ чиқариб қайтишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Беш кишидан иборат кичик жамоа кексалар кўнглига қараб иш тутади. Тиббиёт мутахассислари ширин сўзу, мулоийм чеҳра билан уларнинг кўнгилларини олишади.

Нуронийлар уч маҳал нонушта ва иссиқ овқат билан таъминланадилар. Маънавият ва маърифат хонасида газета-журналлар муталаа қилиб, шохмот-шашка ўйнайдилар.

Ҳозиргача бу ерда юздан зиёд кексалар ўз соғлиқларини тиклашди.

— Бу ишлар бошида, — дейди марказ раҳбари Шоира Ортиқова, — фермер Жўра Отабоев турибди. Ҳомийлик айнан шу кишининг зиммасида. Кексаларимиз уни доимо дуо қиладилар.



СУРАТЛАРДА: (ўндан чапга) қуйичирчиқлик кексалар Бўйсун Бердиев, Қўшбоқ-Бобоев, Валентина Срецина ва Людмила Ланенко хордиқ пайтида; марказнинг умумий кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ТОШКЕНТВИЛОЯТУЛГУРЖИСАВДО»

ўз акционерларига шуни маълум қиладикки, акционерларнинг умумий йиғилиши шу йилнинг 17 декабрь куни соат 12.00да Тошкент шаҳар, Сергели-4 мавзеси, Қипчоқ кўчаси, 56А-уйда бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

1. Янги таҳрирдаги Низомни ва Низом жамғармасини тасдиқлаш.
2. Кўзатув кенгаши, тафтиш комиссиясининг таркибини ўзгартириш.
3. Ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилдаги хўжалик-

молиявий фаолияти якунларини тасдиқлаш.

4. Йиллик ҳисоботларни, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарларни, тафтиш комиссияси актини, аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

**ҲУҚУҚ-ИНТЕРНЕТ
МАРКАЗИ ОЧИЛДИ**

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда малакали юридик кадрлар муҳим ўрин тутади. Бу эса малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш ишлари тубдан янги, халқаро талаблар даражасида амалга оширилишини тақозо этади.

Айниқса, ўқитиш дастурлари ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича замонавий бўлмоғи даркор.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш ишини юқори савияда ташкил этиш, таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаш лозим бўлган ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш бугунги кун талабидир. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ тизимининг жаҳон ҳуқуқи билан ўзаро ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш, бу йўналишда дунёда бўлаётган янгиликлардан вақтида хабардор бўлиб туриш муҳимдир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳуқуқий тадқиқотлар марказида иш бошлаган ҳуқуқ-интернет маркази ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон-Очик жамият институти Кўмак жамғармаси ёрдамида ташкил этилган марказда соҳа ўқитувчи ва олимлари ҳамда талабалар учун Интернетдаги ҳуқуққа оид хабарлар, жаҳон парламентлари фаолияти ҳамда қабул қилинаётган қонунлар билан танишиш имконияти яратилган. Айни чоғда марказда соҳани ривожлантиришга оид қисқа муддатли курслар ташкил этиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.**

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



НЬЮ-ЙОРКДА ВАБО ТАҲЛИКАСИ

АҚШнинг йирик сиёсий-иқтисодий маркази Нью-Йоркда икки сайёҳ зудлик билан касалхонага ётқизилди. Уларда вабо белгилари аниқлангач, бу хабар шаҳарда катта ваҳима кўтирилишига сабаб бўлди.

Касаллик Нью-Мексико штатида яшовчи эр-хотинда аниқланган. 53 яшар эркак ва унинг 47 яшар рафиқаси оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Нью-Йорк шаҳар соғлиқни сақлаш кўмитаси бошлиғи Томас Фриден сайёҳлар яшаб турган уйдаги кемирувчи ҳайвонлар текширилгани ва уларнинг қонида вабо вируси борлиги аниқланганини айтди.

Унинг таъкидлашича, ваҳима кўтаришга ҳожат йўқ. Лекин, 15 миллиондан зиёд одам истиқомат қилувчи Нью-Йорк шаҳрида касалликнинг тез тарқалиш хавфи юқори.

Қолаверса, ҳозир дунёда йилига 3 минг киши вабога чалинади.

ВАЗИЯТ ЧИГАЛЛАШМОҚДА

ПАТА-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Исроил ҳарбийлари 14 ноябрь куни 30 танк ва 3 вертолёт ёрдамида Ғазо шаҳрига бостириб кирган. Жаҳоннинг бошқа оммавий ахборот воситаларида эса ҳарбийлар томонидан ХАМАС ҳаракати маънавий етакчиси Аҳмад Ёсиннинг уйи ўраб олингани ҳақида ҳам маълумотлар учрапти.

Қизиғи шундаки, катта куч билан бостириб кирган Исроил ҳарбийлари орадан бир соат ўтгач шаҳардан чиқиб кетди. Ҳукумат вакиллари, жумладан, Ёсир Арафотни Фаластиндан ҳайдаб чиқариш таклифини илгари сураётган ташқи ишлар вазири Биньямин Нетаняху ҳам мазкур босқинчилик борасида муносабат билдиргани йўқ.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Исроилни 1967 йили босиб олинган араб ерларини ўз эгаларига қайтариб беришга чақирди. Унинг фикрича, фақат шу йўл билангина Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш мумкин. Фаластинликлар мустақил давлат тузишга ҳақлидир. Буни БМТ ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам қўллаб-қувватлайди.

МУАММО ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

Бу йил Кипр оролига Туркиянинг чекланган қўшинлари кирганига 28 йил тўлди. Ушунда орол икки қисмга ажратилган. Хатто мамлакат пойтахти Никосия иккига бўлиб қўйилган. Оролнинг жануби грекларга, шимоли эса туркларга тегиш. Жанубий Кипр БМТ сафидан жой олганига ҳам анча бўлди. «Шимолий Кипр Республикаси» эса Туркия томонидан тан олинган, холос.

БМТ Кипр ороли масаласини ҳал этиш йўлини таклиф этмоқда. Ушбу таклифга кўра, Оролда Швейцария модели жорий қилинади. Бунда Кипр икки мухториятдан иборат конфедерация бўлади. Янги режа 12 декабрдан оролда яшайётган грек ва турк жамоатчилиги ўртасида кўриб чиқиши керак. Чунки шу куни Кипр расман Европа Иттифоқи (ЕИ) таклиф этилади.

ИРОҚ БМТ ТАЛАБИГА РОЗИ БЎЛДИ

Ўтган ҳафта БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироқ бўйича янги резолюция қабул қилган эди. Ироқ ҳукумати бир ҳафта ичида, яъни жумагача ушбу ҳужжатга расмий муносабатини маълум қилиши шарт қилиб қўйилган.

Аввал жаҳон оммавий ахборот воситалари БМТ резолюцияси Ироқ парламенти томонидан маъқуллангани ҳақида хабар тарқатди. Кўпчилик бу хабарни эшитиб, ташвишга тушди. Чунки ҳужжат Ироқ томонидан рад этилса, Яқин Шарқда уруш келиб чиқиши муқаррар бўлиб қолган. Шу боис жаҳон ҳамжамияти, хусусан, араб давлатлари Ироқ раҳбариятини БМТ талабига рози бўлишга чақира бошлади. Урушнинг олдини олиш нафақат Ироқ, балки минтақадаги барча халқлар учун зарур эди.

Нихоят чоршанба куни оммавий ахборот воситалари Ироқдан хушxabар тарқата бошлади. ПАТА-ТАСС тарқатган хабарда айтилишича, чоршанба оқшомида Ироқ оммавий ахборот воситалари мамлакат ахлига Бағдод резолюцияда баён этилган талабларни қабул қилганини расман билдирган.

Ироқ телевидениеси эса ташқи ишлар вазири Ножий Сабрий бу ҳақда БМТ Бош қотиби Кофи Аннанга мактуб йўллаганини маълум қилди. Мактуб матни президент Саддам Хусайн раислигида ўтган Ироқ инқилобий кўмондонлиги кенгашининг мажлисида маъқулланган.

Шунингдек, мактубда халқро назоратчилар Ироқда ўз ишини тугатгач, БМТ Хавфсизлик кенгаши учун ўзининг қонуний мажбуриятини бажаришдан ўзга чора қолмайди, дейилади. Бу мажбурият Ироқни қамал қилиш ва бошқа «адолатсиз жазолар»ни бекор қилишдан иборат.


Энди БМТ Хавфсизлик кенгаши ушбу мактубга баҳо бериш учун кечиктирмай мажлис ўтказиши керак. Шу мақсадда мактуб нусхалари Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларига тарқатилди.

Ҳозир халқро ҳамжамиятни яна бир савол ўйлантирмоқда - Ироқ берган ваъдасини тўла бажарадими ёки халқро назоратчилар билан хўжакўрсинга ҳамкорлик қиладими?

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро бу хусусда баёнот бериб, Ироқнинг биринчи қадамини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бироқ у Ироқнинг нияти доимо ўзгариб туришини эслатиб, халқро ҳамжамиятни ҳушёрликни йўқотмасликка чақирди.

Жек Стронинг таъкидлашича, Бағдоднинг навбатдаги вазифаси 8 декабрдан БМТ Хавфсизлик кенгашига ядровий, кимёвий ва биологик қурошлар бўйича тўла маълумот тақдим этишдир. Шунингдек, Жек Стро Ироқ берган ваъдасининг устидан чиқмаса, оқибати оғир бўлишини яна бир эслатди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Канаданинг Онтарио шаҳри.

НАРХЛАРДА ФАРҚ БОР



Бугун жаҳоннинг кўплаб йирик шаҳарларида нархнаво ошиб кетган. Англиянинг «Экономист Интелиженс Юнит» тижорат агентлиги томонидан тайёрланган маълумотда дунёнинг энг қиммат кентлари рўйхатида куйидаги шаҳарлар киритилган: Токио, Осака, Гонконг, Либревил, Осло, Лондон, Нью-Йорк, Сингапур, Тел-Авив.

Кўриниб турибдики, жаҳондаги энг қиммат шаҳарлар рўйхатининг асосий қисмини Осиёдаги шаҳарлар эгаллайди. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг сабабларидан бири мазкур шаҳарлар сайёҳларнинг сеvimли дам олиш масканига айланиб улгурганидир. Хусусан, Сингапур ва Гонконг ҳам бу борада пешқадамлардан саналади.


Агентлик, шунингдек, ўз маълумотномасида энг арзон шаҳарлар рўйхатини ҳам эълон қилган. Ундан Техрон, Белград, Нью-Дехли, Бомбей, Карачи, Бухарест, Йоханнесбург, Будапешт каби шаҳарлар ўрин олган.

«Экономист Интелиженс Юнит» тижорат агентлигининг мазкур ҳисоботи дунёнинг 133 мамлакатидagi нарх-навони ўрганиб чиқиш асосида тайёрланган.

МИТТИ КИТОБ САВДОДА

Буюк Британияда савдога қўйилган китоб «Дунёдаги энг кичик китоб» деб номланди. Ушбу ноёб китобнинг ҳажми 2,4 миллиметрга 2,9 миллиметр бўлиб, Германия матбаачилари томонидан 2 йил мобайнида нашрга тайёрланган. Бу мўъжаз санъат асарининг нархи 69 фунт стерлинг белгиланди. Чарм муқовали қилиб ишланган бу китоб 26 саҳифалидир. Китобча минг нусхада чоп этилган. Ҳар бир нусхаси махсус ёғоч қутига солиниб, унинг ичига мазмунини билиш учун лупа ҳамда варақлашга қисқич солиб қўйилган.

Ҳозирда мутахассислар шуни таъкидлашмоқдаки, германиялик матбаачилар китобчага ном берганда адашган кўринадилар. Чунки, рекордлар китобига киритилган энг митти китобнинг ҳажми бир миллиметрга бир миллиметр деб белгиланган.




ВИРТУАЛ САЛОМЛАШУВ

Ер сайёрасининг икки чеккасида жойлашган мамлакатлар олимлари виртуал равишда қўли олиб кўришишга муваффақ бўлди.

Жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Лондон (Буюк Британия) ва Бостон (АҚШ) олимлари ўртада беш минг километрлик масофа бўлишига қарамай, бир-бири билан кўришиб, ҳатто елкасига уриб қўйганидан томошабинлар ҳайратга тушди.

Мутахассислар компьютернинг таркибий қисми бўлмиш «сичқонча»нинг ўрнига кичик бошқарув қурilmасини ишга солишди. Sensable technologies компанияси томонидан яратилган янги механик қўлда қалин қалам шаклига эга мослама ўрнатилган. «Фант» деб аталувчи қаламни киши қўлга олгач, у инсон қафти ҳаракатларини илғай бошлайди.

Атлантика океани орқали маълумотлар махсус кабел ёрдамида ўтказилаётир. Ушбу тармоқ бир сонияда ўн мегабит тезлик билан ахборот ўткази олади.



Турфа олам

Турфа олам

Кўргазмага марҳамат!

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон-Япония ўртасида сиёсий, иқтисодий ва таълим соҳаларидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда икки халқ бир-бири билан янада яқинроқ танишиш, маънавий ва маданий салоҳиятини чуқурроқ ўрганиш, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизга эга эканлигини англаш имкониятига эга бўлди.

Шу йилнинг 19-21 ноябрь кунлари Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида "Тошкент кузи - 2002" мавзудаги кўргазма бўлиб ўтди. Унда жаҳонга машҳур "SONY" фирмаси маҳсулотлари кенг намойиш этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур кўргазма Президентимиз Ислам Каримов-

нинг шу йилнинг июлида Кунчиқар мамлакатига қилган ташрифи чоғида эришилган келишувларга мувофиқ ўтказилаётир. Яна шу нарса эътиборга лойиқки, энг замонавий ахборот технологиялари ва рақамли видеоускуналар Ўзбекистонда илк бор намойиш этилади.


ЎзА.

WATAN

Vatan — jonim fido maskanim
Ona deya ko'p atashdi.
Sen mening ruhi-tanim.
Alishmayman sen manim —
Gavharlar ataganim.

Sen mening yulduzli osmonim,
Yerim, muborak kindik qonim.
Ulug' qaddi tetik armonim,
Dunyolarga ko'z-ko'z makonim.
Sanobar QODIROVA.

Bolalik bog'i



Болалар ижодиётига — етарлича эътибор

Ўзбекистонда болалар ижодиёти ривожланишини рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижалари хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилмоқда.

Чунончи, Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг ёш амалий ва тасвирий санъат усталари томонидан нуфузли халқаро танловларда қўлга киритилган олтин медаллар ва совринлар сони 40 тадан ошди. Яқинда мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган Камолддин Беҳзод номидаги Халқаро болалар суратлари танловида ёш рассомлар Чарос Исмоилова ва Шаҳноза Ойматовога Ҳиндистон элчихонаси томонидан таъсис этилган махсус совринлар топширилди.

Бу ерда болалар уймакорлик, бичиқчилик, каштачилик, заргарлик, дурадгорлик каби ҳунармандлик соҳаларини ўрганишади. Бунинг учун 28 та студия ташкил этилган.

(ЎзА).

Чиноз туманидаги 17-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Айдархан Мирзагелдиев номига берилган А № 028022 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2001 йилда Перов Олег Михайлович номига берилган В № 063214 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўртачирчиқ туманидаги «QURUVCHI» кичик корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Туябўғиз кўргони, АООТ «СМУТВХ» корхонаси.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси тахририяти жамоаси тахририят бўлим мудири Мирсобир Мирҳамидовга акаси

Мирсобир МИРҲАМИДОВнинг бафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиноят жазосиз қолмайди

Вилоятнинг чегара, милиция тўсиқ-постлари ва йўл-патрул хизмати масканларида ноқонуний равишда олиб келинаётган товар-моддий бойликларни аниқлаш ишлари кучайтирилиб, махсус иш юритиш китоблари-га қайд қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари чегарадош ҳудудларда соҳавий хизматлар ходимларидан иборат махсус

Тошкенбоев бошқарувидаги КамАЗ-5320 русумли, давлат белгиси 11 АН 492 бўлган автомобил ҳам айланма йўлда тўхтатиб, текширилганда, 960 минг сўмлик спиртли ичимлик олиб кириб келаётганлиги аниқланди.

Шундай кимсалар қаторига вилоятнинг Паркент туманида яшовчи Р. Ганибоев, Т. Жўраев, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманида яшовчи Б. Хонкелдиев ва бошқаларни ҳам кўшиш мумкин.

Афсуски, товар-моддий бойликларимизни қонунга хилоф равишда ташқарига олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Шу йилнинг 2 ноябрь кунги вилоятнинг Зангиота туманида фуқаро Т. Куттиев ГАЗ-24 русумли давлат белгиси 10 D 9366 автомобилида 200 килограмм рангли металлни ноқонуний равишда айланма йўл орқали яширинча олиб чиқиб кетаётганда, ходимларимиз томонидан ушлаб қолинди. Бўстонлик туманида яшовчи Б. Кушкенбоев ҳам мисли шу тариқа республикамиздан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда тўхтатилди. Албатта, бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш учун фақат кенг жамоатчиликка таяниш лозим. Шунингдек, фуқароларимизнинг тўғри тушуниб етишлари натижасидагина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Бунинг учун ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини қатъият билан мувофиқлаштириб бориш зарур.

Абдуқодир РАҲИМЖОНОВ,
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ЮРТ БЕДАРВОЗА ЭМАС



Шу ўринда «Юртимизга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб киришнинг нимаси ёмон?» деган савол туғилиши табиий. Тўғри, бир қарашда хориждан нафақат озиқ-овқат, балки бошқа турдаги халқ истеъмол моллари олиб келишнинг ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Лекин, сўнгги вақтларда турли касалликларнинг пайдо бўлиши масалага жиддий ёндашиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Бир пайтлар одамлар орасида чет элдан келтирилган пиширилган ёниши ҳақида гап-сўз чиқиб, бу ҳақиқат эканлигининг гувоҳи бўлганмиз. Ахир, ўзимизда ишлаб чиқарилган тўйимли ва ширин пиширилганнинг ёнганини ким кўрган?!

Қолаверса, юртимиз бедарвоза эмас. Агар, фарзандингиз эшик қолиб, девор оша уйингизга кириб келса, албатта, шубҳаланасиз, уни сўроққа тутасиз. Ёки оилангиз учун зарур нарсани яширинча бировга сотиб юборса, ранжимайсизми?

Фуқаро Б. Ирисбоев ва у каби кишилар ҳам ўзи олиб келаётган озиқ-овқат ёки бошқа маҳсулотлар талаб даражасида эканлигига ишонганда, айланма йўлни танламаган бўлардилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий тадбирларни кўрдилар. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида вилоятимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш ва олиб келинишнинг олдини олиш, чегара ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, республика ҳудудига ўқотар қурол, ўқ-дори, гиёҳванд, портловчи, захарловчи ва кимёвий моддалар, уларга мосламалар, диний-экстремистик руҳдаги шахслар, ноқонуний адабиётларнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида бошқа хизматлар ходимлари билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

гурuhlар ташкил қилинди. Ўтган муддат мобайнида чегара ҳудудида ноқонуний равишда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар олиб ўтилишининг олдини олиш бўйича жами 668 та ҳолат аниқланиб, 200 миллион 850 минг 294 сўмлик товар-моддий бойлик қўлга олинди.

Айни пайтда вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан Президентнинг фармонлари ва ҳукумат қарорларини аҳоли ўртасида, корхона ва ташкилотларда, маҳалларда кенг тушунтиришмоқда. Маҳаллий ҳокимликларда, идора ва ташкилотларда, ширкат хўжаликларидида шу масалага бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Шунга қарамай, вилоятимизнинг чегара ва бошқа ҳудудларида ханузгача қоидабузарликлар аниқланмоқда.

Жумладан, вилоятимизнинг Юқоричирчиқ туманида яшовчи 1963 йилда туғилган Ф.



ТУРП

тадиган восита сифатида, шунингдек бронхит, кўкйўтал, ўпка сили ва қон туфлаш маҳалида, қандли диабетда буюрилади. Турп суви ва майда қирилган этини йирингли яралар, жароҳатлар давосига ишлатилади. Радикулит, миозит, невралгияда янги турп суви оғриб тур-

ган жойларга суртилади ва компресс қилиб қўйилади. Қадимги ҳақимлар турп сувини асалга аралаштириб, бундан асабларни зўриқишдан сақлаш учун фойдаланишган.

Замонавий табобатда пархез таомларга қўшимча қилиб бериладиган ҳар хил салатлар тайёрлашда кўп ишлатилади. Турп таркибида тегишли моддалар кўп бўлганлигидан, жигарнинг ёғ босишига йўл қўймайдиган фосфолипидлар

Халқ табобати

ҳосил бўлишини кўпайтиради.

Тайёрлаш усуллари: 1. Каттагина турпнинг ичи ўйиб олинади-да, ўрнига асал ёки шакар солиб, 4-5 соат иссиқ жойга олиб қўйилади, чиққан сувини қўйиб олиб, 1 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади. 2. Турп суви 2-3 хисса қайнаган сув қўшиб, кечаси ётиш олдида 1/2 стакандан ичилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТДА ПИРАДА	Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ	Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.	Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатта олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	● Эълон ва билдирув лардаги факт ҳамда да- дилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув- чилар масъулдир.
---	---	--	---	---	---	---